

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshtagan

№39, 2023-yil  
4-oktabr,  
chorshanba (32.785)

# O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИННИГ  
РАҚОБАТГА АСОСЛАНГАН  
УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА  
БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ШАКЛАНТИРИШНИНГ БИР  
БОСҚИЧИДАН КЕЙИНГИ  
БОСҚИЧИГА ЎТИШ  
2023-2030 ЙИЛЛАРГА  
МҮЛЖАЛЛАНГАН ЭЛЕКТР  
ЭНЕРГИЯСИННИГ УЛГУРЖИ  
ВА ЧАКАНА БОЗОРИ  
МЕХАНИЗМЛАРИГА  
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ  
ЎТИШ КОНЦЕПЦИЯСИДА  
БЕЛГИЛАНГАН ШАРТЛАР  
ТҮЛИҚ БАЖАРИЛГАНДАН  
СҮНГ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.  
2024 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН  
БОШЛАБ ЭЛЕКТР  
ЭНЕРГИЯСИНИ  
МАРКАЗЛАШГАН ТАРТИБДА  
ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШ  
"ЎЗЭНЕРГОСОТИШ" АЖ  
ТОМОНИДАН, МАГИСТРАЛЬ  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ  
ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ  
ЭСА "ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ"  
АЖ ТОМОНИДАН АМАЛГА  
ОШИРИЛАДИ.



5

МУНОСАБАТ



Ўзбекистон Президентининг Қатарга давлат ташрифи мамлакатнинг ташки ҳамкорлар билан фаол алоқаларни тизимли ривожлантириш бўйича қатъий нуқтаи назарини яна бир бор тасдиқлади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатарга буюрган давлат ташрифи якунларини шарҳлар экан, Хитой Xалқ Республикаси Замонавий ҳалқаро муносабатлар академиясининг Евроосиё тадқиқотлари институти директори Дин Сяосин «Дунё» ахборот агентлигига қўйидаға фикр-мулоҳазаларни билдири:

- Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қатарга буюрган давлат ташрифи натижалари ўзбекистоннинг ташки сиёсий шериклар билан фаол мулокот ва хамкорликни тизимли ривожлантириш борасидаги қатъий нуқтаи назарини яна бир бор тасдиқлади. Учрашув ва музокаралар якунда мухим соҳа ва йўналишларда салмоқли иккى томонла ма хужжатлар тўплами имзоланди.

Интеллектуал мулк эгаларининг ҳукуқлари янада мустаҳкамланмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИННИГ НАВБАТДАГИ ЙИФИЛИШИ БўЛИБ ЎТДИ. ДАСТЛАБ ФРАКЦИЯ АҶЗОЛАРИ ТОМОНИДАН "ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "АҲБОРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 121-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА"ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИВ ЧИҚИЛДИ.

4



СЕССИЯ  
КАНДАЙ ЖИДДИЙ  
ЙИФИЛИШГА  
АЙЛАНАДИ?

3 САҲИФА



ВАЛЮТА:  
ВАҚТ ҲАҚИҚАТНИ  
КЎРСАТМАЙДИМИ?

7 САҲИФА

## HAMKORLIK

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ БЕШ ДАВЛАТ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БИР БУТУН ҲОЛДА ТИЛГА ОЛИНМОҚДА. ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ, МАДАНИЯТИ, ДИНИ ВА ТИЛИ БИРИ-БИРИГА ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ БУ МИНТАҚА ҲАЛҚЛАРИ ВА ДАВЛАТЛАРИНИ БИР-БИРИДАН АЙРОҲОЛДА ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҲАМ МУШКУЛ.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ АСОСИДА БИРЛАШГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИШ ШУ БОИС ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРИ БИРДАВРАДА, БИР СТОЛ АТРОФИДА МУЛОҚОТГА ЧОРЛАМОҚДА. 28-ЗО СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА БОШҚА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ ОЛАФ ШОЛЬЦНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН У ЕРДА БЎЛИШДИ.



# ЕВРОПАДАГИ ТАРИХИЙ САММИТ

Марказий Осиё давлат раҳбарлари 29 сенტябрь куни Берлин шаҳрида Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц раислигида ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг биринчи саммитида иштирик этди.

Тадбирда Қозогистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тажикистан Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангулы Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодик ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, "яшил" энергетикани ривожлантириши ва иким ӯзгаришларига мослашиш истиқболлари, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, барқарор ва изчил минтақавий тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди.

Тадбир қатнашчилари "Марказий Осиё – Германия" формати очик мулоқот ҳамда минтақа мамлакатлари ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги кун тартибини шакллантириш учун самарали майдонга айланганини таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда бугунги минтақавий ҳамкорлик даражасига юксак баҳо бериб, Ўзбекистон яхши қўшичилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсатини оғишмай амалга оширайтганини қайд этган.

Бугун мамлакатимиз муҳим трансформация босқичида турибди, Янги Ўзбекистон – инсон мағфаатлари олий қадрият бўлган демократик давлатни барпо этиш ўйлидан бормоқда. Ўзбекистонни 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия қабул қилингани ва ундан юксак максадлар ҳалқаро ҳамкорларнинг салоҳиятини жалб қилиш орқали амалга оширилиши таъкидланган.

"Марказий Осиё – Германия" формати доирасида узоқ муддатли ҳамкорликнинг барча учун аҳамиятга эга устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Хусусан;

– инвестициявий, инновациявий ва технологик алоқалар ва алмашнувни ривожлантириш;

– қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиши, хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш;

– транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлини кучайтириш, "яшил" кун тартибини илгари суриш;

– Германия стандартларига мувофиқ турли тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш каби йўналишлар минтақалар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида айтиб ўтилган.

### ХОРИЖ НАШРЛАРИДА

Марказий Осиё минтақасининг Германия билан илк саммити бутун дунё нигоҳида бўлди. Жумладан, **The Diplomat** нашрида келтирилишича, – Украинадаги урушу (ва Афғонистондаги урушнинг тугаси) нафакат АҚШ, балки Европа билан ҳам Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларнинг тубдан ўзгаришига замин яратмоқда.

Европа Иттифоқи давлатлари орасида

Германия Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорлардан бири бўлиб, саммитнинг аҳамиятни ошироқда. "The Diplomat" газетасига ёзган мақоласида Ҳалқаро Илғор тадқиқотлар институти (IAIS) ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Ўзбекистон) кошидаги Европа тадқиқотлари маркази раҳбари Рустам Қаюмов фикрича, "Умуман олганда, Германия Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги йўналишини белгилаб беради".

Мақолада айтилишича, саммит якунида қабул қилинган қўшма бўёнот кенинг қарорларни бўлиб, Германия ва Марказий Осиё ўртасида "стратегик минтақавий шериклик"ни ўрнатиш бўйича келишувга эришилди. Бу доирада ҳар иккни томон ўзаро тўрт йўналишда маъжуд ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва тақомиллаштиради. Булар,

- иқтисодиёт, энергетика ва табиий ресурслар;

- минтақавий ҳамкорлик ва барқарорлик;

- иқлими ва атроф-муҳит;

- одамлар ўртасидаги алоқалардир.

Саммит бэёнотида Транскаспий ҳалқаро транспорт йўналиши (ТИТР) орқали концептуал жиҳатдан савдо ва транспорт таромоги бўлган "Ўрта йўлак"нинг маъқуллангани алоҳида эътиборга лойиқлиги келтирилган.

Шунингдек, яқинда Европанинг Марказий Осиё билан барқарор транспорт алоқаларни бўйича ўтказилган тадқиқоти Қозогистон жанубини кесиб ўтвичи Марказий Транскаспий таромоги (СТСМ) "Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги энг барқарор транспорт алоқаларни" таъминлашди, деган хуносага келингани қайд этилади.

Саммит кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, "яшил" энергетикани ривожлантириш ва иқлим ӯзгаришларига мослашиш

истиқболлари, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, барқарор ва изчил минтақавий тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди.

Уртасида "стратегик минтақавий шериклик" ўрнатишига келишиб олганликларини эълон килдилар ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун чоралар кўришга вайда бериши.

Шунингдек, улар минтақани Кавказ, Қора дengиз ва Туркия орқали Европа билан боғлашни максад қилган "Ўрта йўлак" йўналишини ривожлантириш ташабbuslарини кўллаб-куватлашларини билдирилди.

"Рахбарлар "Ўрта йўлак"ни ривожлантириш ва "Global Gateway" ташабbusi доирасида инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириши жалб қилишдан манфаатдор эканликларини янада тасдиқладилар", – дейилади етакчиларнинг қўшма баёнотида.

Шарқий Европа иқтисодий алоқалари кўмитаси раиси **Катарина Клаас-Мюхлхаусер** учрашувин "тарихий" деб атади ва ҳамкорликни фаоллаштиришнинг бешта, яни энергетика, хом ашё, кишилк ҳужалиги, транспорт ва касб-хунар таълими каби устувор йўналишларни таклиф этди.

**ANADOLU AJANSI**

Жума куни Германия ва Марказий Осиё давлатлари тарихда илк бор саммит ўтказди ва минтақани Европа билан боғловчи "Ўрта йўлак" йўналишини ривожлантириши қўллаб-куватлади.

Етакчilar Германия ва Марказий Осиё

Саммит кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, "яшил" энергетикани ривожлантириш ва иқлим ӯзгаришларига мослашиш истиқболлари, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофazaga қилиш масалалари, барқарор ва изчил минтақавий тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди.

Ўртасида "стратегик минтақавий шериклик" ўрнатишига келишиб олганликларини эълон килдилар ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун чоралар кўришга вайда бериши.

Шунингдек, улар минтақани Кавказ, Қора дengиз ва Туркия орқали Европа билан боғлашни максад қилган "Ўрта йўлак" йўналишини ривожлантириш ташабbuslарини кўллаб-куватлашларини билдирилди.

"Рахбарлар "Ўрта йўлак"ни ривожлантириш ва "Global Gateway" ташабbusi доирасида инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириши жалб қилишдан манфаатдор эканликларини янада тасдиқладилар", – дейилади етакчиларнинг қўшма баёнотида.

Давлат раҳбарлари энергия хавфисизлигини мустаҳкамлаш, энергия таъминотининг мукобил йўналишларини ривожлантириш, транспорт ва транзит алоқаларини яхшилаш, иқлим ва атроф-муҳитга зарар етказмайдиган иқтисодиёт сари интилиш мақсадларини таъкидладилар.

Шунингдек, улар Европа тикланиш ва таъкидоти банкининг (ETTB) "Марказий Транскаспий таромоги"ни барқарор транспорт таромоги сифатида белгилаган якуний хисоботини олқишиладилар.

Давлат раҳбарлари энергия хавфисизлигини мустаҳкамлаш, энергия таъминотининг мукобил йўналишларини ривожлантириш, транспорт ва транзит алоқаларини яхшилаш, иқлим ва атроф-муҳитга зарар етказмайдиган иқтисодиёт сари интилиш мақсадларини таъкидладилар.

Расмийларга кўра, Германия канцлери ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккичи саммити келаси йили минтақада бўлиб ўтади.

**ECONOMIC AND POLITICAL**

Германия Марказий Осиёда, қисман Россия ва Хитойдан минтақадаги таъсирига қарши тuriш учун кўпроқ масъулиятни ўз

зиммасига олиши, ўсиб бораётган трансконтинентал алоқаларни ҳисобга олган ҳолда, Германия Болтик дengизидан Ҳинд океанига-ча, Шарқий Европадан Марказий ва Шарқий Осиёчага бўлган янги ташкил этилган савдо ва транспорт макроминтақасида ўз мавқени мустаҳкамлаш ниятида эканлиги каби фикрлар келтирилади.

Шунингдек, Гарбнинг Россияга қарши санкциялар режими Германия хавфисизлиги нутқати назаридан Марказий Осиё Республикаларининг геосиёсий аҳамиятини оширган.

Германия Марказий Осиё Республикалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун янги ташабbusi бошлагани, Германия президенти Франк-Вальтер Штайнмайер июн ойининг учинчи хафтасида Қозогистонга ташриф буюриб, Қозогистон – Германия стратегик шериклик ва иқтисодий муносабатларни жонлантиргани, Штайнмайер ва Қасим-Жомарт Тоқаев ўртасидаги музокараларда иқтисод, энергетика ва алоқа масалалари устунлик килганини билдирган.

Нашрда, шунингдек, темир ўйл инфратузилмаси лойиҳалари Марказий Осиёни дengизга чиқиши имкони бўлмаган худуддан Осиё ва Европа ўртасидаги транзит минтақага айлантираётганига эътибор қаратилган.

Жумладан, Қозогистоннинг Хитой ва Қозогистон чегарасида жойлашган Хоргос "куруқ порти" кунига Хитойдан келаётган 20 дан ортиқ поездни бошқариши таъкидланган.

Украина – Россия мозароси ортидан бошланган ҳалқаро зиддиятлар оқибати бутун дунё, яхши, Европа давлатлари кун тартиби транспорт-логистика, энергетика хавфисизлиги каби тармоқларига алтернативалар топиш масаласини олиб чиқди.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон дунё ҳаритасида дengизга чиқиши имконияти чекланган иккни давлатдан бири хисобланади. Яни, бу биз дengизга чиқишимиз учун бевосита иккни давлат худудидан ўтишимиз керак бўлади. Ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, agar bir давлат худудидan ўтиб dengizga чиқиши имконияti bўlsa, undan sha'da давлат коридор килиб бериши кўзда тутилган. Agar Kaspiy dengizini инобатга олmasa, бирорта Марказий Осиё давлатининг чегаралари dengizga туташмаган. Demak, минтақа учун куруқлик йўллари долзарб ҳисобланади.

Масофа жиҳатдан Хитой ёки Россия орқали дengизга чиқиши кўра, Эрон ёки Покистон орқали чиқиши бир неча баробарга якнорок, Қолаверса, хозирги кунда актуал муҳокама қилинаётган "Ўрта йўлак" ҳам бор. Бу йўлак Хитой ва Россияга қарагандан масофа сиқса, Эрон ва Покистон орқали ўтадиган йўлакка нисбатан эса хавфисиз ҳисобланади. "Ўрта йўлак"нинг ишга тушиши бизнинг энг яхши ҳамкорларимиз саналадиган Туркия ва Озарбайжонга ҳам манфаатли ва уларнинг ичизи ҳамкорлигини кутиш мумкин.

Асосийси, бутун бошли гарб бундан манфаатдор Германия ташабbusi кўрсататёган пайтада бу йўналишнинг аҳамияти янада ошиди. Бутун дунё яқид Марказий Осиё билан яқиндан ва самимий ҳамкорлик қилишга интилоқда. Европадаги саммит бунинг янада тасдиғи бўлмоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.</p

# СЕССИЯ

## ҚАНДАЙ ЖИДДИЙ ЙИФИЛИШГА АЙЛАНАДИ?

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТ АЪЗОЛАРИДАН ИБОРАТ ИШЧИ ГУРУХЛАР ТУЗИЛИБ, ТУРЛИ ҲУДУДЛАРДА РЕЖАЛИ ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА. АСОСАН ОЗИҚ-ОВҚАТ, ЭНЕРГИЯ ХАВФСИЗЛИГИ, БАНДЛИК, ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ КАБИ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЎРГАНИШЛАР ЖАРАЁНИДА ҲАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ СЕССИЯЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ, РЕАЛ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА.

МАСАЛАН, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ДҮСТЛИК ТУМАНИДА ВАЗИЯТ АТРОФЛИЧА ЎРГАНИЛДИ. ИЖОБИЙ ИШЛАРДАН ТАШҚАРИ, МУAMМО ВА КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ АНИҚЛАНДИ. АНА ШУЛАРДАН БИРИ **АХОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАҚСАДИДА АЖРАТИЛАЁТГАН ЕРЛАРНИНГ МЕъЕРИЙ ҚИЙМАТИ ОШИБ КЕТГАНИДА ЭКАНИ МАъЛУМ БЎЛГАН. ЯъНИ, Е-АУКЦИОН ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ЎТКАЗИЛАЁТГАН САВДОГА КЎРА, ЮҚОРИ НАРХ ТАКЛИФ ЭТГАН ТАЛАБГОР ЕРГА ЭГА БЎЛАДИ.** НАТИЖАДА “ЯГОНА ИЖТИМОЙ РЕЕСТРДА” РЎЙХАТГА ОЛИНГАН, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ ОИЛАЛАР ҲАМДА “ТЕМИР”, “АЁЛЛАР” ВА “ЁШЛАР” ДАФТАРЛАРИДАГИ ИШСИЗ ВА КАМ ДАРОМАДЛИ АХОЛИНИНГ ЕР СОТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ПАСАЙМОҚДА. АФСУСКИ, БУ ҲОЛАТ РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ҲУДУДИДА МАВЖУД.

Шунингдек, тадбиркорлар кредитланган лойиҳаларини сұғарталаган бўлишига қарамай, сұғурта компанияларида хеч қандай масъулияти йўқлиги тизимили муаммоларга сабаб бўлмоқда. Умуман, бандротлигнинг олдини олиш ҳамда банкларга бўлган ишончни ошириш учун кредит тизимини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ тақлифлар билдирилди.

Сессия кун тартибидан яна бошқа масалалар ҳам ўрин олган бўлиб, уларнинг хар бири алоҳида муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш, муаммоларга ечим топиш, ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш билан боғлиқ тақлифлар билдирилди. Табийки, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик қайсиридир ҳудудда ошган, яна бошқа жойда камайган. Унинг турлари ҳам шу тартиқа ўсиш ва камайиш хусусиятига эга. Аммо бу хотиржамлика асос бўлолмайди. Шу боис профилактик тадбирларни кучайтириш, ёшларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этишига, фойдали ишларга йўналтиришига ҳаракат қилиш лозим.

Куз-қиши мавсумига тайёргарлик, қишлоқ ҳужалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўйжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш холати, ёшлар ва хотин-қизлар бандрингни таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги юзасидан ҳам ахборларга эштиди. Муаммоларнинг ечими муҳокама қилинди.

### АСЛИДА ҚАНДАЙ ЎТИШИ КЕРАК?

Парламентнинг бир неча вакиллари қатнашган сессиялар анча демократик ўтиши табий. Лекин фақат ўша ҳудуд депутатлари ва мутасаддилари иштирокида ўтадиган сессияларнинг ижро ҳокимияти йиғилишидан катта фарқ қилиши мушкул. Бунинг бир нечта сабаблари бор.

Сессия аслида қандай ўтказилади? Муаммо ўрганилади, сессияга киритилади ва депутатлар ҳамда маҳаллий ижро органлари иштирокида кўриб чиқилади. Йиғилиш якунда қарорлар қабул қилинади, аниқ вазифалар белгиланади. Уларнинг ижро этилиши ҳаётни яхшилашади, одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишга хизмат қиласди.

Шунда экан, мажлис ўтказиб, жадвал ясаш, қофоз тўлдириш билан сессия ўтган, депутатлар вазифасини бажариб кўйган ҳисобланмайди.

Аксинча, ҳаммаси қарор қабул қилингач бошланади. Чунки муаммонинг ечими қарорнинг ижросига боғлиқ. Ўрганишлар натижаси эса назорат тадбирларига қараб самарали ёки самарасиз бўлади.



**Бир шахс бир вақтнинг ўзида ҳам ҳоким, ҳам маҳаллий бўлмаслиги ҳақидаги нормаларнинг белгиланиши маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтиради, жойлардаги маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради. Самарали депутатлик назоратининг амалга оширилиши учун конституциявий кафолатларни кучайтиради. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг хисобдорлиги, масъулияти ва жавобгарлигини оширади. Шубу ўзгаришлар келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолияти олиб боришига албатта хизмат қиласди.**

Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг ҳалқ вакиллари олдидағи масъулиятини оширишига олиб келади. Ҳудудларда ҳокимларниң ҳақидаги нормаларнинг белгиланиши маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтиради, жойлардаги маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради. Самарали депутатлик назоратининг амалга оширилиши учун конституциявий кафолатларни кучайтиради. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг хисобдорлиги, масъулияти ва жавобгарлигини оширади. Шубу ўзгаришлар келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолияти олиб боришига албатта хизмат қиласди.



### ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Депутатлик корпуси ҳамда маҳаллий ҳокимият ўртасидаги муносабатлар, ҳамкорлик қайда даражада? Депутат кўттарган масалага масъулларнинг муносабати ва қарор ижроси устидан назорат қониқарлами?

**Шу каби саволлар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ўрол Ўрэзбоев фикрлари билан ўткоқлашади:**

— Биласизми, сўнги йилларда давлатмизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг туб моҳияти инсон ҳуқуқлари химоясини қонунда ва амалда таъминлаш, бунинг кафолатларини яратишдан иборат.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви ва ҳокимиятнинг бўлинеш тамоили билан боғлиқ испоҳотларнинг ҳуқуқий асоси яратилган. Конституциямизнинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятнинг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинешни принципига асосланади, деган жумлалар билан белгилаб кўйилди. Ҳудудий вакиллик ва ижро органлари фаолиятини таомиллаштириш бўйича ҳуқуқий асослар шакллантирилди, испоҳотлар кетма-кет ривожлантириб борилияти.

Эсласангиз, Президентимиз “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини испоҳ қилишага мухим масала — бу жойлarda ҳокимиятнинг ҳуқуқий масала — бу жойлarda ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар ваколатини ахратишидир”, деган эди. Маҳаллий Кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиқи, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида ҳалқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилек қилиши демократик меъёларга тўғри келмайди.

Бу испоҳотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларининг бўлинеш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишига, маҳаллий

ҳокимияти фаолиятини баҳолаш мезонлари, ҳоким хисоботини қандай ҳолларда қониқарсиз, деб баҳолаш мумкинлиги, бундай ҳолларда қандай таъсир чоралари кўриш мумкинлиги ҳақидаги ва бошқа қатор масалалар очиқ қолган.

### АЙНИ ВАҚТИ

Янгиланган Конституциямизнинг 120-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳалқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимияти вакиллик органларида, деган норма билан Кенгашнинг мақоми белгилаб берилмоқда. Ҳалқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилек қиласди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини ёгалаб турган шахс бир вақтнинг ўзида ҳалқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини ёгаллаши мумкин эмас.

Ушбу янгилик асосида ҳалқ депутатлари Кенгаши раҳбари алоҳида бўлиши ҳамда ҳоким Кенгашларнинг раҳбари бўла олмаслиги тўғрисида алоҳида қоидада белгиланди. Шунингдек, ҳалқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилек қиласди.

Қарангки, Конституциямизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этиши, шошма-шошарларликка йўл кўймаслик мақсадида ҳам аниқ нормалар белгилаб кўйилди.

Хуласа килиб айтганда, бир шахс бир вақтнинг ўзида ҳам ҳоким, ҳам маҳаллий Кенгаш раиси бўлмаслиги ҳақидаги нормаларнинг белгиланиши маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтиради. Самарали депутатлик назоратининг амалга оширилиши учун конституциявий кафолатларни кучайтиради. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг хисобдорлиги, масъулияти ва жавобгарлигини оширади. Шубу ўзгаришлар келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолияти олиб боришига албатта хизмат қиласди.

### ҚЎПРОҚ ДЕПУТАТЛАРГА БОҒЛИҚ

Маҳаллий ҳокимлик бошқаруви органларининг депутатлар фаолиятига муносабати ўзгартмагани ҳақида эзилиб гапиргандан фойда йўқ. Аввало, депутатлик корпусининг ўз хурматга лойиқ даражада бўлиши мухимдек туолади.

**Кайси депутатдан сўраманг, тортиниб гапиради. Жавобларда ҳам андиша сезилиб туради. Тўғри, маданиятили кўриши яхши хусусият.**

Аммо бу ерда бошқа масала ҳам бор. Айrim депутатлар ўзида ишлолмагани, тер тўкиб, елиб-юргиси келмагани учун баҳона йўлини қидириб қолади. Ўзининг иккисизлигига қонулар, қандайdir катта сабабларни вож қилиб кўрсатмоқчи ҳам бўлади. Ҳурмат қонулардан ҳам аввал меҳнатга ва жамоатга садоқатга, самимий фаолиятга қараб келади.

Инсон манбаати ҳақида гап кетганда айrim “анъана”пардан воз кечиш, керак бўлса, “қора рўйхат”га тушидан чўчимаслик таъситида кескин чоралар кўриш билан боғлиқ тақлифлар беради олиш зарур. Зоро, жойлардаги муаммо ва камчиликлар ҳақида гапириш учун уни кўра олиш, кўриш учун эса ўз яшаб турган жойини севиш, ҳамюртлари ва ватанни тақдирига бефарқ бўлмаслик талаб этилади.

Ўз навбатида, масалани ўрганиб, сессияга олиб чиқаётганд, масъуллардан ечим сўраётган депутатларга ҳам сиёсий иродада, ташаббускорлик ва албатта жасорат керак. Билим ва тажриба эса уларнинг энг муҳим куроли бўлмоғи лозим.

Умид қиласизи, ижро ҳокимияти ва депутатлар ҳалқ манбаати йўлида ҳамфир бўла олади. Энти яхши ва тўғри ҳурмат хизматини тан олиш ортидан олинган ҳурматдир.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

## FAOLIYAT

ОЛИЙ МАЖЛИС  
ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ  
ФРАКЦИЯСИННИГ  
НАВБАТДАГИ ЙИФИЛИШИ  
БҮЛИВ ЎТДИ. ДАСТЛАБ  
ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ  
ТОМОНИДАН  
“ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ  
ИШОНЧЛИ ХИМОЯ  
ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН  
“АХБОРЛОЛАШТИРИШ  
ТҮҒРИСИДА”ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНИНИНГ  
121-МОДДАСИГА  
ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ  
КИРИТИШ ҲАҚИДА”ГИ  
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ  
ЧИҚИЛДИ.



# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ЭГАЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Таъкидланганидек, кейнинг ийлларда мамлакатимизда интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли химоя қилишининг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, интеллектуал мулк соҳасини ислоҳ қилиш, муаллифлар ва ҳуқуқ әгаларининг қонуний манфаатларини химоя қилиш йўлида кенг кўламили ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳуқуқни кўллаш амалиётида интеллектуал мулк әгаларининг ҳуқуқлари, эркинлеклари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли химоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд.

Хусусан, ижодий ва тадбиркорлик фаолиятида яратилган ин-

теллектуал мулк обьектларидан рақамли муҳитда қонунга хилоф равиша фойдаланиш билан боғлиқ қилишлар ахборотлаштириш соҳасини тартибига солувчи маҳсус қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланмаганилиги, интеллектуал мулк обьектлари ҳуқуқ әгаларини бу турдаги ҳуқуқбузарликлардан химоя қилиш бўйича ҳуқуқий қафолатлар мавжуд эмаслиги бир қатор долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш түғрисида”ги Қонунига интеллектуал мулк обьектлари ҳуқуқ әгаларининг ҳуқуқларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида химоя қилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча оширилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилас эканлар, унинг нақадар муҳимлиги, инсон, унинг меҳнати, яни интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояниншига хизмат қилишини таъкидлаб, ахборот ресурси эгасининг шахсий жаъобагарлигини ошириш катор қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга замин яратишни қайд этидилар. Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Иифилишда шунингдек, “Давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш түғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқиленди.

Қайд этилганидек, давлат хизматлари марказлари томонидан хизматларни қамраб олиш даражаси пастлиги, давлат хизматларни кўрсатиш муддатларининг узунлиги, улар бўйича тўловларнинг юқорилиги, аксарият яратвалган тўловларнинг олдини олишга замин яратишни қайд этидилар. Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Депутатлар таъкидланганидек, қонун лойиҳаси давлат хизматларини сифатли кўрсатилишини таъминлашга, турил тоифадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга химоя қиласди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилгач, таклиф ва тавсиялар билан қонун лойиҳаси қўллаб-куватланди.

Кун тартибида масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

# МАҲАЛЛАГА ҲАМ ВАКОЛАТ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ БЕРИЛМОҚДА

Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган тизимли ислоҳотларнинг замерида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат айнан шу сиёсатни амалда рўёбга чиқаришига қаратилган бўлиб, давлатни том манада ўз ҳалқига хизмат кўрсатадиган институтга айлантиришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам бундай сиёсатни шакллантириш мақсадида нафакат давлат, балки жамият бошқарув тизимини такомиллаштириш, хусусан, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолият самародорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Устувор вазифасига айланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтиклинига ишлана тизимини янада кучайтиришга каратилди, десак муболага эмас. Йигилишда “Маҳалла бешлиги” тизими яратилганлиги киска вақт бўлса-да, ўз самарасини берадиганлиги, лекин бу килинган ишларни янада яхшилаш, бу билан тўхталиб қолмаслигимиз, маҳаллан жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институттага айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда таҳлиллар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳозирги кунда жойларда “бешлик” ягона жамоа сифатида ишламаётганлиги, ҳар бири ўз вазирлигига хисобдор эканлиги, ижтимоий дафтарлардаги маблагларни тўғри тақсимлашда “бешлик”нинг ҳамкорлиги, маҳалла раисининг ўрни билинмётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, йигилишда “Темир”, “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарлари маҳалладаги масъуллар томонидан алоҳида алоҳида юритилётганлиги, бу билан ўтилди. “Бешлик” зиммасига юқлатилган вазифалар ҳаддан ташқари кўп эканлиги, мутасадди раҳбарлар эса буни ташхис қўмалётганлиги, аниқ иш методикаси ишлаб чиқилмаётганлиги танқид қилинди.

Маҳалла ходимларининг кўп вақти “қоғоз” тўлдириш ва мажлислар билан ўтиб кетаётганлиги, бу эса уларнинг ўзининг ваколатли ишларини бажаришда халақит берадиганлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлислардаги муаммоларни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш бўйича республика, вилоят ва туман (шахар) кенгашлари жорий этилиши, республика кенгашига Бosh вазир, ҳудудий кенгашларга эса ҳокимлар раҳбарлик қилиши белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари маҳаллалардаги муаммоларни масалалар ечим топлишида иммий асосланган янги ёндошувлар ишлаб чиқиш зарурлигини, мутасаддиларга янги тизими ўйла кўйиш, маҳалладаги муаммоларни ҳал қилишга иммий ва нодавлат ташкилотларни ҳам жалб қилиши, уларга алоҳида грантлар жорий этиши, “маҳалла ёттилиги”нинг амалда ишлайдиган аниқ вазифаларини белгилаш ва бошқа ташкимий-ҳуқуқий масалалар юзасидан катор топшириклар берилди.

Келгусида бу янгича тизимнинг жорий этилиши маҳалланинг ўзида турив муаммоларни ҳал этишга, пировардида халқнинг ортича вақт сарфлаб, сарсонгарчилигининг олдини олишга замин яратади.



Мавжуда ҲАСАНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Маҳалла институтининг мақомини Ўзбекистон Конституцияси даражасидан мустаҳкамланишининг асосин мазмун ва мояхияти шундан иборатки, эндилиқда давлатнинг ижтимоий сиёсати туман ёки шаҳардан эмас, балки маҳалладан бошланиди. Чунки янгиланган Конституцияга биноан Ўзбекистон ижтимоий давлат экани, унинг бу борадаги сиёсати айнан маҳалладан бошланиши мантиқи тўғридир. Охирги ёттийа йилда маҳалла институтини такомиллаштириш давлатнинг диккат ётиборида бўлиб, бу борада ўтиклини таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айнан маҳалла тизимини такомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Маҳалла институтининг жамият бошқарув тизимидан янада мавкеини кучайтириш, унинг институционал асосларини такомиллаштириш ва шу орқали чинакам ҳалқ манфаатини кўзлайдиган, аҳолини қийнаб турган муаммоларни мустаҳкамлашви ўзи ҳал эта оладиган, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга курби етадиган етакчи фуқаролик жамияти институтига айлантириш давлат сиёсатининг

асосида ишни ташкил этилиши, амалдаги “бешликка” солиқи ва ижтимоий ходим ҳам қўшилиб, биргаликда ишлайдиган “маҳалла ёттилиги” бўлиши лозимигига тўхтади Юртошибомиз.

Мазкур йигилишда ҳар бир маҳалла ходимларига вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилди. Шунинг билан биргаликда, маҳалла раисларининг ваколатлари ҳам кенгайтирилмоқда. Маҳалла фаолият юритаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақи маҳалла раиси томонидан тасдиқланиши, “ёттилик”ни рағбатлантириш ёки уларга интизомий жазо чораларни тайинлаш бўйича уларнинг юқори идорасига тақдимнома киритиш ваколати ҳам маҳалла раисларига берилмоқда. Маҳалла раисига бу ваколатларнинг берилиши эртага маҳалла ҳаддан ташқарига ишлайдиган ҳузмут қиласди. Шу билан бирга, жойларда маҳалла ходимларининг раисларига ҳузмут қиласди.

Йигилишда маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш бўйича республика, вилоят ва туман (шахар) кенгашлари жорий этилиши, республика кенгашига Бosh вазир, ҳудудий кенгашларга эса ҳокимлар раҳбарлик қилиши белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари маҳаллалардаги муаммоларни масалалар ечим топлишида иммий асосланган янги ёндошувлар ишлаб чиқиш зарурлигини, мутасаддиларга янги тизими ўйла кўйиш, маҳалладаги муаммоларни ҳал қилишга иммий ва нодавлат ташкилотларни ҳам жалб қилиши, уларга алоҳида грантлар жорий этиши, “маҳалла ёттилиги”нинг амалда ишлайдиган аниқ вазифаларини белгилаш ва бошқа ташкимий-ҳуқуқий масалалар юзасидан катор топшириклар берилди.

Келгусида бу янгича тизимнинг жорий этилиши маҳалланинг ўзида турив муаммоларни ҳал этишга, пировардида халқнинг ортича вақт сарфлаб, сарсонгарчилигининг олдини олишга замин яратади.

Хусусан, эндилиқда “бешликка” солиқи ва ижтимоий ходим ҳам қўшилиши қайд этилди. Маҳаллаларда ишлаб янгича ёндошув-



## MUTOLAA

# ФИКРЛАШ

## ЖИНОЯТ ДЕБ ТУШУНИЛАДИ



Агар вакт масаласи муммом бўлмаганида мен бу асарни яна қайта ўқиб чиқардим. Сабаби, у Кўша Штатлар адабий-ётининг юксак намунаси ёки дунё севиб ўқийдиган асар бўлгани учун эмас. Боси шуки, Рей Брэдбери катта эҳтимол билан юз йилдан кейин ҳам муаммолигича қоладиган мавзуни қаламга олган, биз юзлашишини хоҳламайдиган ҳақиқатларни ва уларнинг оқибатларини очиқлаганидир.

Асар ичидаги бугунги ҳақиқатларни адаб фантастик жанрда юқилишиб гапирига олган, огохлантири олган, айта олган. Бизга ҳақиқатнинг ёқаслиги асар нағисизига ёқадиган нарсаларнинг зиёнини ҳар кадамда эслатиб туришида, бизни кўп нарсалардан, масалан, фойдасиз, лекин ёқимли учрашувлар, манфаатсиз сұхбатлар, ўйин-кулги, мусика, шовқин-суронлардан четлаб кўйишида.

Китобга меҳр кўйиган одам эса булардан онгли равишда воз кечада олади. Энди у фикрлашни, жамиятдаги муаммоларга ечимлар тақлиф этиши, жарликка кетаётганини огохлантириши бошлади.

Брэдбери бундай одамлар эртаси йўқ жамиятни курмоқчи бўлган “юқоридағи”ларга керак эмаслигини англаб етганни. Шунинг учун у ўз “қаҳрамон”ларига фикрлашдан тўхтаган, онгиз, қалби ва ақли блокка солиб юқилиган маҳлуқлар ролини беради. У инсоннинг қандай келажак кутаётганини ўз қаҳрамонларининг тақдиди мисолида кўрсатиб берган.

### КЕЛАЖАК...

Асарни мутолаа қўлмаганларга яна ҳам тушунарли бўлиши учун воқеалар ва муалифнинг ғоясини соддароқ тушуниришига ҳаракат қиласади. Брэдбери нинг қаҳрамонларида қалб йўқ. Улар маҳлуқ каби яшидиган, кўй каби бўйсунчан, фикрлашдан маҳрум этилган қалбсиз кишилар.

Келажакка таҳдид солаётганинг кўркинчни ифодалаш учун Брэдбери қаҳрамонларига нега бундай сифат берди, нега шафқат қиласади, дейишингиз мумкин. Ахир, фикрлашдиган, маънавиятдан узилган, турғунлик ҳукмон бўлган, онгли бошқариладиган инсонлар билан қандай келажакни қуриш мумкин? Умуман, келажак хақида гап бўйсунчан мумкинми?..

Брэдбери қаламга олган замон ва мақонда келажак хақида ўйлаш мумкин

эмасди. Уларнинг фикрлашлари, ўзаро сұхбатлашишлари, айниқса, китоб ўқишилари қатъян ман этилганди. Уйидан китоб топилган одам шафқатсизларча ёки юборган. Ёшми, қарими, зиёлими ёки аксинча. Хатто китоб унини ёки йўқ – сурʼаб ўтирилмасди. Ичидаги жон борми, йўқ, умуман, аҳамиятсиз. Ёки юборилади – вассалом.

Брэдбери техникалашаётгандан келажакдан хавотирга тушган. У тараққиётнинг салбий томони – одамларнинг фикрламайтган кўйиши, мутолаадан узоқлашиб кетиши, қалб кўзига соя солишини, айрим кишиларга мурдага алланинши тахмин қилган. У ҳақиди? Атрофингизга, дунёга, ўзингизга қаранг, фикрланг, хулоса килинг.

Асадаги манзаралар балки даҳшатли туюлар, аммо бу кетишида келажакни ўзингиз қандай тасаввур этасиз?..

### ЮТУҚЛАРНИНГ САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ

Бор гапки, техника тараққиёти имкониятлари ёвузларнинг кўлида акс таъсир эта бошлайди. Кейин эса инсоннинг ўз-ӯзи билан қолишига, мулоҳаза қилишига, китобларга вакт ажратишга, оламни англашига тўсик бўлади.

Техника асрда ҳамма нарса, ҳатто айрим кишиларнинг қалби ҳам роботлашиб кетаётгандек туюлади. Қалби ўлган кишиларнинг онгги ҳам кимларнингdir ишлаб чиқкан дастурига мувофиқ ишлаб бошлайди. Хатто, эр ва хотин ўртасида ўзаро муҳаббат, илиқлик, ишонч, онанинг болага, боланинг эса онага бўлган меҳри каби туйғулар йўқка чиқа бошлади.

Ха, аввалига сезимлайди. Аммо бориб-бориб дийданинг қотиб кетиши, меҳрини туймаслик, қалб қўзининг кўрмай колиши аста-секин кучайиб боради. Буларнинг ҳаммасига нукта қўйдиган нарса – билим, фикр, ғоя ва буларнинг асоси бўлган китоб. Буни билган ҳукумат тенасидалар эса фикрсизлик, турғунлик

орқали бўйсунувчан жамиятни куриш таравдори бўлиши айтилади.

**Софлом, фикрлайдиган инсон учун энг катта хавф бу - қолоқлик, турғунлик.**

**Турғунлик ва қолоқлик учун эса катта хавф бу - фикрлайдиган, софлом кишилар.**

Бир-бируни кескин рад этадиган бу икки олам кишиларни бир асрарда жам бўлади ва икки томон бир-бира кескин уруши очади. **Унинг натижасини билишини истасангиз, ўзингиз яшаётган олам кишиларига боқинг. Уларнинг хаят тарзи қандай, ўзингизничи?..**

### МЕҲРНИНГ ҚУДРАТИ

Китобни ўзига ашадига душман, уни ёки юборишина эса шараф деб билган асар қаҳрамони Гай Монтер Кларисса исмли қизни учратганидан кейин китобга бўлган муносабати кескин ўзгаради.

Эрининг яшаш тарзи ўзигари бораётганини, энг даҳшатлиси, ўйига яширинча китоб олиб келганини билиб қолган аёли уни сотади. Чунки Монтеңгинг қўлган бу ишни энг катта жиноят эди. Ахир ўйин-кулгу, кайфу-сафо, бузгунчилик, фойдасиз ва маънавиятни бузигаш хизмат қиласидан шоуарни кўриб яшашга оdatланган инсонлар учун Монтер каби шахслар катта душман эди.

Брэдбери нинг асарига мантиқан қаралса, 20-асрда у худди бугунги кун ҳақида ёзиб кеттандек туюлади. У ба-шорат қилган келажак бугуннинг ўзигинасига ўшҳаб кетади. Унинг тахминлари исботини аллақачонлар топиб бўлгандек. У огохлантирган хатарлар эса аллақачон бўй кўрсатган. Шуни аниқ айта оламанки, “Фаренгейт бўйича 451 даража” бу адабиининг хәёли, фантастикаси эмас, афсуски, реалликдир.

Нигора ҲАСАНОВА,  
адабий шархловчи.

## БИЛАСИЗМИ?

### КОЛЛЕЖ ВА ТЕХНИКУМЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ХОТИН- ҚИЗЛАРГА ДАВЛАТ ГРАНТИ АЖРАТИЛАДИ

Ҳукумат қарори (516-сон, 29.09.2023 й) билан “Коллеж ва техникумларда курилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ ўхжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалидаги касб (мутахассислик) бўйича таълим олаётгандан хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисида” гизом қабул қилинди.

– Низомга кўра, коллеж ва техникумларга ўқишига қабул қилинган хотин-қизлар таълим олаётгандан хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисида” гизом қабул қилинди.

– Коллеж ва техникумларга тегишили ўйналишлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинган хотин-қизлар ўқув йилининг 10 октябрига қадар ушбу коллеж ва техникумларга сифатида тизимида коллеж ва техникумлар бўлган тегишили вазирлик ва идораларга ажратилади.

– Аризалар тааллуклиги бўйича коллеж ва техникумлар томонидан З иш кунида кўриб чиқилиди ҳамда умумлаштирилган ҳолда, худудлардағи олий таълим, фан ва инновациялар бошкармаларига тақдим этилади.

– Худудий бўлнималар ҳар йили 15 октябрарга умумлаштирилган маълумотларни кўриб чиқади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборади.

– Вазирлик ҳар йили 20 октябрарча умумлаштирилган маълумотлар асосида давлат гранти асосида ўқиши учун ариза билан мурожаат қилган хотин-қизлар рўйхатига тааллуклиги бўйича тизимида коллеж ва техникумлар бўлган вазирлик ва идораларга тақдим этиади.

– Вазирлик ва идоралар мазкур рўйхат асосида хотин-қизларнинг давлат гранти асосида таълим олишларни учун зарур маблағ ажратиш юзасидан ҳар йили 25 октябрарча Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мурожаат қилади.

– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 5 иш куни ичидаги тегишили маблағларни мазкур вазирлик ва идораларга ажратади.

– Коллеж ва техникумлар директорлари 2023/2024 ўқув йилидан давлат гранти асосида таълим оладиган хотин-қизлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

### ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИ



– Таълим кредитлари таълим ташкилотлари ба-калав ҳамда магистратуранинг кундузги, сирткни ва кечки таълим шаклини тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек, ўқишини кўчирган Ўзбекистон фуқароси бўлган талааларга берилади.

– Бунда, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) тегишили бирга-лидик кредит олувчи сифатида катнашиши мумкин.

– Таълим кредитдинин асосий қарзи таълабнинг расмий ўқиш мuddati тугагандан сўнг еттинчи оидан бошлаб 7 йил давомидаги тайтирилди.

– Таълим кредитини олиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

– ариза;

– тўлов-контракт шартномаси ва унга илова қилинадиган хисоб варажаси/фактураси (мавжуд бўлганда). Шартномада ўқишини тамомлашнинг белгиланган мuddati ва бир йил учун тўлов мидори кўрсатилган бўлиши лозим;

– таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат. Бунда “Ихтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва қадиллик талаб этилмайди;

– “Ихтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган лиганини тасдиқлови маълумотнома (“Ихтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандлари учун);

– банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, биргаликда кредит олувчига тегишили маълумот ва ҳужжатлар.

– Ҳужжатлар 5 иш кунида кўриб чиқилиади.

– Таълим кредити шартномаси тўлов-контракт шартномасида кўрсатилган бир йиллик тўлов суммаси тенг мидордаги суммага тузилади.

– Таълим кредити кредит олувчига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида ажратилади.

– Бунда, Марказий банкнинг асосий ставкаси пасиёнтаган таъдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаиди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган таъдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришиш келиади.

– Мазкур тартиб:

– чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга;

– тижкорат банклари томонидан Жамғарма маблағларидан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган таълим кредитларига нисбатан татбиқ этилмайди.

– Табакалаштирилган тўлов-контрактни ва унинг минимал миқдорига тенг бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилади.

t.me/huquqiyaxborot

# БУЮК МЕҲНАТ

## МИНГ-МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗ УЛУФ ХИРМОН КЎТАРИШГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА



Тошкент вилоятининг Бекобод туманига, “Боқиева Назира” фермер хўжалиги пахта майдонига етиб борганинида кўёш анча кўтарилиш, теримчилар аллақачон илдамлаб кетган эди. Этакларни олиб, ҳашарни бошлаб.

Пахтани тортишдан олдин, дала ўртасида бирор ўзини таъсир ишлаб, шерлар айтилди, тилаклар билдирилди. Мехнаткаш опалар билан сұхбатлашишга улгурдик.

– Терим бошлабагандан бўн чека ёнг кўп терган куним бўлди. 317 кило пахта топширдим, — деди ўзини Наргиза Ҳамроқуловна.

# ВАЛЮТА: ВАҚТ ҲАҚИҚАТНИ КҮРСАТМАЙДИМИ?



2023 йил 15 сентябр куни валюта амалётлари ва валюта операциялари устидан назорат бўйича қарор қабул қилинган эди. Мамлакатимиз валюта бозорига доир қарор шов-шувли хабарга айланди, фикрлар, тахлиллар, танқидлар билан қизғин мухокама килинди.

Эртаси куниёк Марказий банк раиси жамоатчиликдан кечирим сўрагандек "жамият қабул қилимаган қарор, бу – нотўғри қарор" деган фикр билан қарор бекор қилинганини билдири.

**Қарор бекор бўлди, вакт ўтди, эҳтирослар тиниди, хотиржамроқ фикрлаш мумкин бўлди. Қарордан ростдан ҳам ёвуз ният кўзлаганими? Ёки яхшилик мақсади нима эди?**

Шу каби саволларга бир неча йил банк соҳасида фаолият юритган, валюта операциялари ва валюта бозоридаги вазиятдан хабардор мутахассис, иктисолд фанлари номзоди Фарҳод Қурбонбоевнинг мустақил муносабати сўради:

- Биринчидан, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий валютани харид қилиш ва валюта операциялари билан бўғлиқ операциялари фақат уларнинг асосий хисобвари очилган банклар томонидан, иккинчидан, банкларга чет эл валютасини тадбиркорларга сотиш билан бўғлиқ операциялар устидан қатъни назорат ўринатиш ва тадбиркорларга хорижий валютани сотиш банкларнинг эксперտ гурухлари хulosалари асосида амалга оширилиши талаби кўйилган эди.

Фикримизча, бу чоралар қонуний фаолият юритаётган ҳўжалик субъектлари учун конвертация масаласида жiddiy қийинчиликлар туғдириувчи чоралар эмас эди. Валюта олди-сотди операцияларини фақат битта банк орқали ўтказилиши корхонага қандай қийинчиликлар туғдириши мумкин?..

Бироз техник нокулайлик юзага келиши мумкин, холос. Лекин ҳеч қандай жiddiy қийинчилик туғдирмайди! Барча банклар валютани битта биржадан бир хил баҳода

сотиб олишади. Ўз мижозларига валютани сотишида банклар ўртасида арзигулик фарқ амалда кузатилмайди.

Валюта олди-сотдиси банкларнинг эксперտ гурухлари хulosалари асосида амалга оширилиши талабига келсақ, бу ҳам конвертация учун тўсик эмас! "Ошингиз ҳалол бўлса, кўчада енг", дейди-ку ахир ҳалқимиз! Агар корхона қонун доирасида тегишли импорт шартномасини тузган бўлса ва унинг ижроси учун валюта талаб этилса, банк эксперտ гурухи конвертацияга қарши хulosos берармиди? Банк бундай операция амалга оширилишидан манфаатдор-ку – ўз комиссия-фоизини олади-ку!..

Аслида бекор қилинган қарор коррупцияга қарши кураши, «комплаенс-назорат»ни жорий этиш вазифаси ижросига қаратилган эди. Буни Марказий банкда бўлиб ўтган матбуот анжуманида регулятор раҳбари тушунишига ҳаракат қилди. Лекин, ўзлари-

квитанцияни талаб қилишади... Демак, Марказий банк қарорига қарши чиққан қатлам ўйлаганидек, **мутлоқа эркин, назоратсиз конвертация иктисолид тараққиётнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди.**

Хуласа, мутасадди идораларимиз ўзларининг қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида амалга ошираётган назорат ишларини дадилроқ юритишлари ва бунда Марказий банкимизнинг хурматли раиси айтганларидек, жамоатчилик билан "коммуникации", хатоларга йўл кўймасдан, фаолроқ олиб боришлари лозим.

Жамоатчилигимиз эса коррупция иллати ва "хуфиёна иктисол" жамиятимиз тараққиётiga ҳаф солаётганини ҳисобга олиб, қонун назорат чора-тадбирларини чеклов сифатида эмас, балки бамисоли шифохонада беморларга қилинаётган соғломлаштирувчи оғрикли уқол, ёқимсиз тиббий муолажалар каби зарурий амал сифатида қабул



ни жамоатчилик вакиллари сифатида ҳис килган, кўтарилиган хиссиятли шов-шуввлар сабаб қарор бекор қилинганидан мамнун журналистлар буни тушунмадилар, шекили. Қарор "ҳайрияти, эртаси куниёк бекор қилинди", деб ёзилди ОАВнинг биррида.

Лекин... **Алоҳида айтиш кераки, эркин конвертация назоратсиз валюта операциялари дегани эмас. Валюта назорати бутун дунёда бор.**

Масалан, Хитойни олайлик. Ушбу қурдатли, ривожланган иктисолидётга эга мамлакатда бўлғанлар яхши биладики, у ерда чет валютасини юнгана алмаштириш учун тегишли ҳужжатларни тўлдиришига тўғри келади. Бундай операцияни хамма банклар ҳам қилавермайди. Бундан ташқари, мамлакатдан чиқиб кетаётганингизда ортиб қолган юнгларни долларларга қайта алмаштироқчи бўлсангиз, сиздан олдин юнъя сотиб олганлигини тасдиқловчи

қилиши мумхим.

Қонун ижросини таъминлаш максадида юритиладиган назорат ва тартибга солиш амаллари – бу чеклов ёки тақиқ эмас, балки қонуний тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатидир.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтмоқчи эдим. Токи назоратни, текширувни чеклов деб тушунар эканмиз, валюта бозоримиз муммалорининг туб сабаби бўлган "хуфиёна иктисолидёт"ни зааралантира олмаймиз ва қонуний тадбиркорлар қийалиб юраверади.

**Тахририятдан:** Булар бир мутахассиснинг фикри, кейинги сонларда бошқа мутахассисларнинг бошқачароқ фикрларини келтиришига ҳаракат қиласиз.

**Тоштемир Ҳудойқулов тайёрлади.**

## МИГРАЦИЯ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ



## Ноқонуний миграцияга йўл қўйилмайди

Пойтахтимизда МДХ га аъзо давлатларнинг миграция органлари раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йигирма еттинчи мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш кузатувчи мақомиди Туркманистан, Касаба ўшумларни умумий конфедерацияси ва Евросиё иктисолид комиссияси вакиллари ҳам қатнашди.

МДХга аъзо давлатларнинг миграция органлари раҳбарлари кенгashi Ҳамдустлик давлат давлат раҳбарларининг 2007 йил 5 октябрдаги Келишувига мувоғиқ тузишган. Кенгаш фаолияти ҳар йили тасдиқланадиган режалар асосида амалга оширилади. Кенгаш ишининг асосий шакли режалини мажлислар миграция форматда кўриб чиқилиши долзар эканини таъкидлadi.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, полковник Шавкат Раҳмонов очиб, миграция билан боғлиқ масалаларнинг давлатлараро форматда кўриб чиқилиши долзар эканини таъкидлadi.

Йигилишда иштирокчilar МДХга аъзо давлатлардаги миграция ҳолати, 2019-2023 йилларга мўлжалланган ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг олиб бориши тўғрисидаги дастурни мухокама қилиши.

Шунингдек, мажлиси иштирокчilar МДХ доирасида мувоғиқлаштирилган миграция сиёсатини амалга ошириши, ноқонуний миграцияга қарши курашиш ва ташкилий ишлар каби долзар масалаларни кўриб чиқиши. Жараёнда МДХ мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан миграция соҳасида ҳужжатларни қалбакилаштириш усусларини аниқлаш бўйича олиб бориляётган ишлар тўғрисида, ноқонуний миграция каби жиноятларнинг олдин олиш бўйича биргалидаги мувоғиқлаштирилган профилактика, тезкор-кидирув ва маҳсус операцияларни тўқазиш тажрибasi тўғрисида маълумотлар тингланди. Урлашуда қонунчилиқдаги ўзгаришлар ҳамда ҳамдустлик мамлакатлари миграция

органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти мухокама қилинди.

Шу билан биргага, миграция хизматлари соҳасида ҳужжат айланасини рақами трансформация қилиш, миграция масалалари бўйича ҳамкорликин мөъёрий-ҳуқуқий базасини инвентаризация қилиш вазифалари бўлгилаб олинди.

Тадбирда иштирокчilar меҳнат миграцияни тартибга солиш бўйича ўз тажрибалari билан ўртоқлашди. Бундан ташқари, Кенгаш янги интеграцияланг анхборот тизимларини жорий этиши ва мавжуд ахборот алмашиш механизmlarini такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни мувоғиқлаштиришга катта эътибор қаратди.

Тадбир сўнгиди мажлиснинг якуний ҳужжатлари имзоланди. Кенгаш мажлиси ўзаро ишонч ва конструктив ҳамкорлик мухитида ўтди. Иштирокчilar Узбекистон томонига тадбирни юқори савиядя ташкил миннатдорлик билдири.

**Ўз мухбиришим.**



## ЖССТ БЕЗГАККА ҚАРШИ ЯНГИ ВАКЦИННИ ТАСДИКЛАДИ

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг маълум қилишича, дунёда йилига ўртача 247 миллион кишига безгак ташхиси қўйилади. Қурбонлар сони 600 минг нафардан ошмоқда.

Ушбу кўрсатичларнинг ўртача 95 фоизи Африка қитъасида рўйхатга олиняпти. Энг ёмони, минтақада ушбу инфекция оқибатида ҳаётдан кўз юмаётгандарнинг 80 фоизи – беш ёшгача бўлган болалар.

Бундай мураккаб эпидемиологик вазият безгакка қарши янги вакцина яратиш жараёнини янада жадаллаштириб юборди ва ниҳоят ижобий натижага эришилди ҳам.

Кече ЖССТ бир неча босқичли синовлардан мевафакияти ўтган янги вакцинани тасдиқлади. У бундан иккى йил аввал фойдаланишга тавсия этилган или муқобилидан, энг аввало, арзонлиги билан фарқланади.

Янги вакцина воситаси R21 деб номланди. Унинг муаллифлари – Буюк Британиянинг Оксфорд университети олимлари.

Маълумотларга кўра, ҳар иккни вакцина нинг самарадорлиги ўхшаш. Шунга қарамай, R21 нинг бир дозаси 2-4 долларга тенг ва бир киши учун тўрт доза талаб этилади. Бу, аввали RTS,S вакцинаси нархидан иккни баробар арzon.

Эслатиб ўтамиз, безгакка қарши эмлаш воситасини яратиш учун дунё олимларига 100 йилдан кўпроқ вакт зарур бўлди.



## ТИББИЁТ БҮЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА БУ ЙИЛ ҚАЙСИ ИХТИРО ЛОЙИҚ КЎРИЛДИ?

2023 йилги Нобель мукофотининг тиббиёт ва физиология бўйича совиндрорлари номи маълум бўлди.

Улардан бири венгриялик Каталин Карико бўлса, иккинчи американлик Дрю Вайсмандиндир. Ҳар иккни тадқиқотчи – АҚШнинг Пенсильвания университети олимлари.

Уларнинг молекуляр биология соҳасидаги изланишлари коронавирусга қарши "Модерна" ва "BioNTech/Pfizer", яъни мРНК вакциналарининг яратилишига ёрдам берди.

Натижада ушбу кашфиёт Нобель мукофоти учун асос бўлди.

## БОЛANI ЧЕТ ДАВЛАТДА НАЗОРАТСIZ ҚОЛДИРИШ ЖАВОБГАРЛИККА САБА БЎЛАДИ

– Ўзбекистон фуқаролигига эга болани ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш:

– БХМнинг 10 бараваридан 50 бараваригача (3 млн 300 минг сўмдан 16 млн 500 минг сўмгача) миқдорда жарима солиша сабаб бўлди.

– Шунга кўра, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида кўпили билан 30 кунлик муддат белгиланиб, суд ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс зиммасига боланинг давлатдан ўзбекистонга қайтариш ёхуд ҳуқуқбузарликни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

– Шунингдек, болани чет давлатда назоратсиз қолдириш, худди шундай хатти-ҳаракат учун маъмурӣ жазо қўлланилгандан кейин содир этисла ёхуд боланинг суд томонидан белгиланган муддатда ўзбекистонга қайтарилишини таъминламаслик З ийлчага озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Ўша қўлиши оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этисла, уни содир этган шахс 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

[t.me/huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot)



# КЎНГЛИМ ХОШИЯСИДАГИ БИТИKLAR

Миллионлаб одамлар ичидаги инсон беғубор ва тоза қалби билан ҳаммадан ажралиб турдид. Шунчалик қалбингизга яқин оласизки, унинг қалбидаги ёник чўф музлаб ётган умидларингизнида эритиб юборганини сезмай қўласиз. Вижони уйоқ, ҳамиша сергак, ўта нозик идрок эгаси, юзлаб инсонни илм зиёсига ошно ётган муаллимидир у.

Гарчи ўзини камтарингина тутиб, "мен вазифани бажаряпман", деса-да тафаккуримиз тамал тошини кўйиган бу хотирига ҳар қанча лутф айтилса кам. Зотан, улар ҳаёт пилла-пояларидан замон билан бирга қадам ташлаётган терап мушоҳадали ақлу заковат экаларидир. Устоzlар — башарият қалб мъемори. Ҳар кун, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсад сари чарчамай, тинимиз сафарбар этиб бориш ва бу фазилатни доимий кундаклиқ фаолият мезонига айлантириш фикр уларгагина хос фазилатларидир.

Ва яна шуниси борки, умримиз мобайнида қанчача қанчача одамлар билан учрашамиз, ҳаёт гирдобларида тобланамиз, ўзгарамиз. Тириклик илинжида не-не кунларни бошимиздан кечирсан-да, ойлар ўтиб, йиллар ўтиб барини унуттамиз. Аммо шундай одамлар бўладики, уларни асло эсдан чиқариш мумкин эмас. Айнакса, инсон ҳаётини катта чорраҳаларга буриб юборгувчи зот, эзгулик тимсоли бўлган устоzlарни унутиб бўлмайди. Ўгитлар тошга ўйилган нақшдек бир умр юрагимизга мурхланади. Зеро, улар шогирд тақдирига таъсир этиш курбига эга.

Дарвоқе, ҳар биримизнинг кўли-мизга дафтар-қадам тутқазиб, ҳат-са-водга ўргатган, қалбимизга маърифат зиёсини сочган биринчи ўқитувчи-мизни эҳтиром билан эсга оламиз. Биринчى устоz мактабдан кейин ҳам ҳётдат биз учун дўст-қадрон, яқин маслаҳатчи бўлиб қолади.

Ўқитувчи бўлиш осон эмас. Ҳар бир бола турфа хил дунё. Уларнинг юрагига йўл топиш, қалбига эзгулик уруғини қадаш кишидан катта мато-

нат талаб этади. Устоz-мураббийлар шогирдларини нафақат ҳат-саводга, айни когда одоб-ахлоқа, юксак инсоний фазилатларга, ишдаги қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгib ўтишга ўргатади. Тұрмуш чорраҳаларидан учрайдиган мұаммаларни оқи-лонна ҳал қилишга үндайди. Чинакам устоz шогирдлари илм-хунарда, танлаган касида үзидан ўтиб кетишини дилдан истайди.

Байран арафасида устоzlаримга ўхтиромим билдиримоқ истагида дил түғёнларимни қоғозга тушира бошлидим. Миннатдор қалбим даъвати илиа қалам тебратса турнир устоzlарим ҳақида ўйладим. Биринчи муаллимим. Илк бор кўнглигим зиё тарратган бу инсон хизмати мангуликка дахлдор. Қизиқ, ким билан гаплашманг, албатта, устоzидан миннатдор бўлади.

Ҳа, устоzlаримиз шарофати туфайли кўзларимиз оламни турфа рангларда кўра бошлайди, илк бор қўлларимиз қалтираబ ёзган биринчи калом "она" сўзи бир умр хотира-мизда мурхланади. Шунинг баробарида инсонлик рутбасига асос солинади.

Болалигимда биринчи устоzим Мухаббат Рашидовага издош бў-лишин истиғанман. Болалар билан "мактаб-мактаб" ўйнаш севимли овончогимга айланганди. Йиллар ўти, бугун ёзувидан сира узламайман. Гоҳида хатингиз бунча чиройли дейишса, биринчи муаллимимдан миннатдор бўлмаман. Ва англайманки, устоzlаримиз мурғакина жуссамизни бағрига босиб, қўлимизга қалам тутқазиб чиройли ёзувга ўргатиш баробарида оппоқ саҳифалардан иборат ҳаётимизни чиройли амаллар билан безаш ҳақидаги сабогини қалбимизга мурхларкан...

Муқаддас ҳадисларда "Яхши кўрган одамларнинг ҳақида ўзларига ҳам билдириб қўйинг" маъносида гап айтилади. "Сиз биз учун азизиз, устоz!". Устоzlарим қаршида ҳамиша таъзимдаман!

Шахло БАҚОЕВА,  
журналист.

**ШОВ-ШУВ, УРДИ-ҚАМАЛДИ, ЁНДИ-КҮЙДИ КАБИ ҲАР ХИЛ  
НОХУШ ХАБАРЛАР КАЙФИЯТГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ. БУ ОЛАМДА  
ЯХШИ ГАП ҚОЛМАГАНДАЙ ТУЮЛАДИ БАЪЗИДА. МУАММОЛАР ҲАЛ  
БЎЛАВЕРСИН. ДУНЁДА, ЮРТИМИЗДА ЯХШИ ХАБАРЛАР ҲАМ КЎП  
ЭКАНИНИ УНУТМАНГ. АТРОФГА ҚАРАСАНГИЗ, ХУШХАБАРЛАР ҲАМ  
ЕТАРЛИЧА ЭШТИЛАДИ, КЎРИНАДИ.**

# 7 ХУШХАБАР

## САРСОНГАРЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

Президентимизнинг "Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада токомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарор қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжат бўлди.

Унга кўра, "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизими билан вазирлик ва идораларнинг 35 турдаги электрон маълумотлари алмашинувини йўлга кўйиш белгиланди. 2024 йил 1 январдан бошлаб барча туман (шахар) давлат хизматлари марказларида алоҳо "Ижтимоий ҳизмат дарчалари" ташкил этилади.

2023 йил 15 октябрдан бошлаб, дастлаб 28 та туман (шахар)ларда эксперимент тариқасида Узбекистон Республикаси Президенти ҳуридиаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг "Инсон" ижтимоий ҳизматлар марказлари ва ижтимоий ҳодимлар гурӯҳлари кўрсатадиган ижтимоий ҳизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга кўйилади.

Қарор билан 2023 йил 15 октябрдан бошлаб талағорларни ўзглар парваришига мухтоҳ бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига кириши (ундан чиқариш) "Инсон" ижтимоий ҳизматлар марказларининг қарорига асосан амалга ошириладиган бўлди.

Цияси ассамблеясининг навбатдаги сессиясида "Ўзбеккосмос" агентлиги Ҳалқаро астронавтика федерациясига тўла ҳуқуқли аъзо бўлгани эълон қилинди.

Ҳалқаро астронавтика федерацияси ҳалқаро нодавлат нотикорат иммий ташкилот бўлиб, у коинотин тинч мақсадларда тадқиқ қилиш мұаммолари, шунингдек, ҳуқуқий нуқтаи назардан ракета ва космик масалалар билан шуғулланади.

Президентимизнинг мамлакатда космик фанолияти ривожлантириш ҳақидаги фармонига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ("Ўзбеккосмос") ташкил қилинганди.



## "ЯШИЛ" КРЕДИТНИНГ БИР ҚИСМИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамаси "Яшил" истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул килди.

Унга кўра, "Яшил" истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармокларо энергияни тежас жамғармаси хисобидан компенсация ажратиш тартиби жорий этилади. "Яшил" истеъмол кредити кўш фотозелектр станцияси, кўш сув иситичлари ва шамол электр станцияларини ўрнатиш мақсадлари учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратилади.

Қиймати базавий хисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ҳамда фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган "Яшил" истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бирор 5 фоизли банддан кўп бўлмаган қисмини қоплаб бериш учун уч йил муддатгача компенсация тўлаб берилади.

## 50 ФОИЗ УСТАМА

Миллий баҳолаш тизимида она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанларини билиш бўйича тегишида даражадаги сертификатга эга ўқитувчиларга 50 фоиз миқдорида устама тўлаш амалиёти жорий этилади. Бу "Ўзбекистон - 2030" стратегиясини 2023 йилда сифати ва ўзи вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Президент қарорида назарда тутилган.

Жорий йил ноябрь ойига қадар миллий баҳолаш тизимида бундай рағбатлантаришини жорий этиш борасида қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

## СУБСИДИЯ БЕРИШ ЯНА БОШЛАНДИ

Ўзбекистонда ипотека кредитлари бўйича давлат субсидияларини бериш яна бошланди, деб хабар берди Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Субсидия ҳукуматнинг тегиши ҳаори билан тасдиқланган ижтимоий мезонлар доирасида ўйжар шаҳротини яхшилашга мухтоҳ, кам таъминланган оиласаларга берилади.

18 ёндан ошган, белгиланган мезонларга тўғри келадиган фуқаролар субсидия олиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Хусусан, қишлоқларда яшовчи, даромади меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан (2 миллион 940 минг сўм), 6,9 бараваригача (6 миллион 762 минг сўмгача) ҳамда Қоқаллопостон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида яшовчи, даромади МХТЭКМининг 3 бараваридан 8 бараваригача (7 миллион 840 минг сўмгача), Тошкент шаҳрида яшовчи, даромади МХТЭКМининг 3 бараваридан 9,2 бараваригача (9 миллион 16 минг сўмгача) бўлган фуқаролар субсидия олиш мумкин.

Фуқаролар субсидия олиш учун my.gov.uz портали орқали электрон шаклда мурожаат қилиши керак.



## "ЎЗБЕККОСМОС" ҲАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯГА АЪЗО БЎЛДИ

Боюк шаҳрида 74-Ҳалқаро астронавтика конгресси доирасида Ҳалқаро астронавтика федера-

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihiddin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA



O'zbekiston  
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-уу.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлуми: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1036. 6766 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichisi — 220.

t — Tijorat materiallari

Sotuvda kelishilgan narxa